



“ 03 ” 12 2020 y

№ 01/00-04/10-1125

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари,
Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизмати бошлиғи
Б.Юсупалиевга

Хурматли Баҳодир Кахрамонович !

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сонли Фармонининг 14-бандига мувофиқ, Санитария-эпидемиология хизмати ташкил этилаётганлиги муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари тугатилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари тегишинча Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддасига биноан Юридик шахсни қайта ташкил этиш (**кўшиб юбориш**, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, Ушбу кодекснинг 50-моддасида юридик шахслар **кўшиб юборилганида** улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтиши белгиланган.

Ушбу кодекснинг 53-моддасида эса юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли Фармонининг 14-бандига кўра, Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмаларига тегишли Агентлик ва Инспекциясининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворис сифатида ўтаётганлигини инобатга олиб, жараённи қайта ташкил этиш деб талқин қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳисобланади.

Натижада, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 98-моддасига биноан корхона **қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда)** меҳнат муносабатларининг ташкилот ходимларининг розилиги билан давом этавериши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Вазир ўринбосари



Б.Умурзаков